



ТУХУМДОН КИСТАСИ ВА БАЧАДОН МИОМАСИНИНГ ПАТОМОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Гулмирова Б.У.

4-курс бакалавр, Тошкент тиббиёт академияси

Чирчиқ филиали, анатомия ва патология кафедраси,

Илмий рахбар: Ҳайдаров М.А., доцент

Хозирги кунда бутун жаҳонда аёллар бачадон миомаси ва тухумдон кистасидан азият чекишмоқда. Айниқса ёшларда бунинг учраши бачадон ва тухумдонинг олиб ташланиши аёл организмида турли асаротларни келтириб чиқармоқда. Бутун дунёда бачадон экстирпацияси акушерлик амалиётида етакчи уринлардан бирини эгалламоқда.

Тадкикот максоди. Тухумдон кистаси ва бачадон миомасининг патоморфологик хусусиятларини аниқлаш.

Материаллар ва тадкикот усуллари. РСТЭИАМ Тошкент вилояти филиали, Чирчиқ шаҳар булинмаси патологик анатомия архивидан фойдаланиб, бачадон ортиклари билан экстирпация қилинган 36 та жаррохлик материаллари тамил қилинди. Биопсия журнали бачадоннинг макростпик ва микроскопик маълумотлари қуриб чиқилган архивлардан олинган. Бачадон миомаси ташхиси билан экстирпатсия қилинган аёлларнинг ёши 40 ёшдан 55 ёшгача бўлган.

Тадкикот натижаси ва муҳокамаси. Патологик анатомия архивидан олинган материалларини таҳлил қилиш шуни курсатадики, 36 ҳолатдан 8 тасида бачадон танасининг макростпик улчамлари узгармаган, бир нечта аниқланган миоматоз тугунларнинг консистенцияси мустаҳкам толали тузилишга эга бўлган ва тухумдонларда киста узгаришлар қайд этилган. Патогистологик таҳлис: бачадон танасининг интрамурал куп тугунли фибромиомаси. Шаклланган гистологик таҳлисларнинг 6 тасида тухумдонларнинг сероз кисталари, 4 тасида тухумдонларнинг поликистози,



колган 2 тасида тухумдонларнинг сероз кисталари аникланган. 8 та ҳолатни макроскопик текширишда бачадоннинг шакли ноаник, бачадоннинг ташки томонида миоматоз тугунлар борлиги, кесмада каттик консистенцияли эканлиги аникланган. Гистологик текширувдан сунг бачадон танасининг субсероз миомаси эканлиги тугрисида хулоса чиқарилди. Улардан 4 тасида поликистик тухумдонлар, 4 тасида тухумдонларнинг сероз кисталари қайд этилган. 6 та ҳолатда макроскопик текширувда бачадон бушлигини кесишда эндометрия шиллик кавати остида тугун мавжудлиги, шунингдек унинг каттик консистенцияли эканлиги аникланган. Гистологик текширувдан сунг барча беш ҳолатда субмукоз фибромиома ташхиси қуйилди; 5 та ҳолатда бачадон ҳажми катталашган, шакли ноаник, бачадон бушлигида йирик миоматоз тугун (2 та ҳолатда), аникланди. Колган учта ҳолатда катта ҳажмли ва зич консистенцияли интрамурал ва субсероз миоматоз тугунлар борлиги қайд этилди. Ушбу ҳолатларнинг иккитасида тухумдонларнинг сероз киста, колган учтасида эса поликистоз аникланди. 3-ҳолатда толали эластик консистенцияли якка миоматоз тугун борлиги аникланди. Гистологик диагностика: бачадон танасининг лейомиомаси, тухумдонлар поликистози, колган бир ҳолатда бачадон танаси шаклининг макроскопик жихатдан сакланиши, тугунларнинг йуклиги, аммо миометрий катламнинг калинлашиши қайд этилди. Микроскопик текшириш натижаларига кура: бачадон танасининг диффуз ангиофибромиомаси, тухумдонлар поликистози кузатилди.

Хулоса. Шундай қилиб, юқорида келтирилган маълумотларнинг тахлили шуни курсатадики, тухумдонлардаги кистоз узғаришлари бачадон миомасининг тури, жойлашиши, сони ва ҳажмидан катъи назар аникланади. Бачадон миомаси ва тухумдонда ривожланган кистоз узғаришларни эрта муддатларда аниклаш ва даволаш ишлари амалга оширилиши лозим.